

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ИМОМКУЛОВ ТЎЛҚИН БУРХОНОВИЧ**

**ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ  
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

УДК: 330.322.14(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Имомкулов Тўлқин Бурхонович**

Инвестицион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлаш йўналишлари.....3

**Имомкулов Тулқин Бурхонович**

Направления финансовой поддержки инвестиционной деятельности.....23

**Imomkulov Tulkin Burkhonovich**

Directions of financial support for investment activity.....43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publication works.....47

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc03/30.12.2019.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**ИМОМКУЛОВ ТЎЛҚИН БУРХОНОВИЧ**

**ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ**  
**ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2021 йил**

**Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2019.2.PhD/Iqt955. рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Зайналов Жаҳонгир Расулович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Жураев Абдугаффор Сафарович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор <b>Хайдаров Низомиддин Хамраевич</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги</b> <b>Давлат бошқаруви академияси</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 60А уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [ilmiykengash@tfi.uz](mailto:ilmiykengash@tfi.uz)

Диссертация билан Тошкент молия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60А. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.З.Тешабоев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н.Каландарова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**И.Н.Кўзиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиётида фаол инвестиция сиёсатининг олиб борилиши ўз навбатида инвестицион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали давлат иқтисодиётининг барқарор ўсишига таъсир кўрсатади. Мамлакат иқтисодий тараққиёти, фан-техника ривожини, аҳоли бандлигини, бюджет даромадларининг кўпайиши, экспорт салоҳиятининг ортиши, минерал хом-ашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича юқори технологик ишлаб чиқаришни таъминлашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. БМТнинг 2020 йил маълумотларига кўра «... тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 1,54 трлн. долларга ... 2020 йилда эса глобал пандемия таъсирида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 40 фоизга пасайиши ва 2021 йилда хорижий инвестицияларни камайиши 5-10 фоизга прогноз қилинмоқда»<sup>1</sup>. Демак, жаҳон иқтисодиётида пандемия туфайли инвестицияларни жалб этиш пасайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Шу боис, инвестицион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлашга бўлган талаб кундан-кунга ошиб бораётган бугунги кунда барча молиявий ресурсларни жалб қилиш орқали инвестицион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлаш йўналишларини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Жаҳонда инновацион ва рақамли иқтисодиётнинг ривожланишида, иқтисодий муносабатларнинг кескин тус олиши шароитида барқарор иқтисодий ривожланишга эришиш, инвестицион кредитларнинг ресурс таъминотини мустаҳкамлаш, инвестиция жозибадорликни ошириш борасида кўплаб илмий тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда. Тадқиқотларда инвестицион муҳитни шаклланиши, инвестицион имкониятларни кенгайтириш, улардан самарали фойдаланишда таҳлил қилиш услуги хамда амалий масалаларни ривожлантириш муаммолари ва ҳудудлар инвестицион фаолият хусусиятлари белгилаб берилган. Бироқ, жаҳонда инвестицион фаолиятни молиявий воситалар орқали қўллаб-қувватлаш, экспортolni молиялаштириш механизмининг жорий қилиш каби муҳим масалалар ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Ўзбекистонда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналиш сифатида «...инвестиция сиёсатини юритишда давлат иштирокини пасайтириб, хусусий ва тўғридан-тўғри инвестициялар улушини ошириш»<sup>2</sup> вазифаси қўйилди. Лекин, шунинг билан биргаликда тижорат банкларида инвестицион фаолиятни кредитлаш ва унинг замонавий шакллари қўллаш тажрибалари етарлича шаклланмаган. Шунингдек, тижорат банклари томонидан инвестицион фаолиятни кредит қўйилмаларининг асосий улуши узок муддатли кредитлар тўғри келган ҳолда уларнинг асосини ташкил этаётган инвестицион фаолиятни молиявий

<sup>1</sup> [https://unctad.org/system/files/official-document/wir2020\\_en.pdf](https://unctad.org/system/files/official-document/wir2020_en.pdf)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020 йил

қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ муаммоли кредитлар ҳажми ҳамда жами кредитлар таркибидаги улушининг ҳам сезиларли тарзда ошиб бораётганлиги мазкур соҳада илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш орқали инвестицион кредитлаш тизимидаги муаммоларга ечим топиш, унинг ҳозирги замон талабларига мос фаолиятини таъминлашда илғор хориж тажрибаларини татбиқ этиш, мавжуд имконият ва салоҳиятни ҳисобга олган ҳолда тизимни такомиллаштириш йўллари аниқлашни тақозо этмоқда. Мазкур долзарб масалани ҳал этишда инвестицион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлаш, уни халқаро тажрибалар асосида ривожлантириш, ушбу йўналишда назорат ва таҳлилнинг услубиётини ривожлантириш танланган тадқиқот мавзусини долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 августдаги ПФ-6042-сон «Республикада экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 9 январдаги ПҚ-4563-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Инвестицияларни жалб қилишга оид тадқиқотларни хориж олимлари А.Смит, Ж.Кейнс, А.Маршалл, П.Самуэльсон, Ф.Фабозци, С.Фишер, У.Шарп, Л.Давыдова, С.Маркина, Ю.Гаджиев, В.Акопов, Д.Деньгин, Т.Крестовских Ж.Даннинг<sup>3</sup> илмий асарларида учратиш мумкин.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан А.Вахабов, Д.Ғозибеков, Н.Ҳайдаров, Н.Жумаев, Н.Каримов, Ш.Мустафакулов, Н.Кузиева, Ф.Додиев, Э.Носиров, А.Сабиров, Б.Маматов, М.Раимжонова, Г.Каримова, Ў.Ҳайдаров<sup>4</sup>ларнинг илмий ишларида бевосита ёки билвосита тадқиқ қилинган.

<sup>3</sup>А.Смит. «Исследование о природе и причинах богатства народов»; Шарп У, Александер Г, Бейли Дж, Инвестиции, Пер с англ. –М.: Инфра-М, 2001; Dunning J. Transpacific foreign direct investment and the investment development path: the record assessed, Rutger and Reading universities, September 1993; Samuelson Pol, Multiplier-accelerator model, Review of Economic Statistics. 21 (2): 75-78; Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. - М., 1978. -128 с; Alfred Marsha, Principals of Economics, Macmillan And Co., Limited; London; Фабозци, Фрэнк Дж «Управление инвестициями» Изд-во: М.: ИНФРА-М, 2000 г.; С. Фишер, Р. Дорнбуш, Р. Шмалензи, Экономика, ДЕЛЮ Лтд, 1995 г

<sup>4</sup>Вахабов А.В., Хажикабиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. – Т. : Молия, 2002. – 204 б.; Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш муаммолари. И.ф.д.илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – 41 б.; Ҳайдаров Н.Х. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Тошкент молия институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** инвестицион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлаш йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** куйидагилардан иборат:

инвестицион фаолиятининг назарий ва ташкилий асосларини илмий тадқиқ этиш ва муаллифлик ёндошувини ишлаб чиқиш;

иқтисодиёт тармоқларининг инвестицион фаолияти ва уларни молиялаштириш аҳамиятини ёритиб бериш;

тижорат банклари томонидан экспортлди молиялаштириш кредитлари роли ва аҳамиятини очиб бериш ва илмий асослаш;

Самарқанд вилоятининг инвестицион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини таҳлил қилиш;

инвестицион фаолиятни тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳисобига молиялаштиришдаги муаммоларни ўрганиш;

инвестицион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикаси инвестицион фаолияти, хусусан Самарқанд вилоятининг инвестицион фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш тизими ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** инвестицион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлашда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда умумлаштириш, гуруҳлаштириш, абстракт-мантикий фикрлаш, истиқболли прогнозлаштириш, индукция ва дедукция, корреляцион-регрессион таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

---

солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари (хорижий инвестицияли корхоналар мисолида): и.ф.д. диссертация автореферати.–Тошкент, 2003.-22б.; Жумаев Н.Х. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: моҳияти, сабаб-оқибатлар ва Ўзбекистонга таъсири. – Тошкент, 2009.; Каримов Н.Ф. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. – Т.: Фан ва технология, 2007.; Ш.Э.Мустафакулов Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д.(DSc) диссертацияси автореферати. –Т.: Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмининг такомиллаштириш йўналишлари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., Додиев Ф.Ў. Инвестицион фаолиятини молиявий рағбатлантириш: иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. –Тошкент, 1998.-22 б.; Ғозибеков Д.Ғ., Носиров Э.И. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2007. – 92 б. А.Сабилов Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестициялар жалб этишни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш. Дисс. кан. экон. наук. - Т., ТДИУ, 2009.; Маматов Б.С. ва бошқ. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. ТМИ. – Т.: «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2013.–784 б Раимжонова М.А. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: «БМА», 2012.; БМА 2018. Г.А.Каримова Миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг молиявий механизмларини такомиллаштириш (PhD) диссертацияси автореферати.; ТМИ 2019.; Ў.А.Ҳайдаров Миллий иқтисодиёт доирасида инвестиция фаолиятини молиялаштириш механизмининг такомиллаштириш (PhD) диссертацияси автореферати.; 2020 й.

**Тадқиқотнинг илмий янгиликлари** қуйидагилардан иборат:

ички молиявий ресурс манбаи сифатида Экспортни рағбатлантириш агентлиги молиявий ресусларидан тижорат банклари орқали экспорттолди молиялаштириш таклиф этилган;

махаллий экспортчи корхоналарнинг савдо уйлари очиш ва сақлаш, офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш, реклама компанияларини ташкил қилиш билан боғлиқ чет элдаги харажатларининг 50 фоизини Экспортни рағбатлантириш агентлиги қоплаб бериши таклиф этилган;

экспорт қилувчи корхоналарнинг инвестицион фаолиятини молиялаштириш мақсадида автомобил, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш бўйича транспорт харажатларининг 50 фоизигача миқдорда Давлат бюджетидан компенсация қилиш асосланган;

бюджет параметрларини шакллантиришда инвестиция лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини ҳар йиллик ўртача миқдорда 1,1 баробар ошириб бориш асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

инвестицион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида хорижий инвестициялар ва хорижий кредитларни жалб қилишни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

инвестицион фаолиятига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда хорижий кредитлар ҳажмининг таъсири асослаб берилган;

Экспортни рағбатлантириш агентлигидан маблағларни тижорат банкларига ажратиш орқали банклар инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш таклифи такомиллаштирилган;

инвестицион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида мамлакатимизда экспорт қилувчи корхоналарга экспорт билан боғлиқ харажатларни субсидиялар ҳисобидан компенсация қилиш таклифи асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** инвестицияларни самарали жалб қилишнинг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган тадқиқот муаллифларининг илмий қарашларини ўрганиш, хорижий давлатларнинг соҳага оид илғор тажрибасини тадқиқ этиш, эксперт баҳолаш натижаларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги агентлик, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси, Самарқанд вилояти инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси статистик маълумотлари ҳамда ҳисоботларига асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар инвестицион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлашнинг назарий ва ташкилий-услугий жиҳатларини халқаро амалиёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.



Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан ҳудудларни инвестицион фаолиятга инвестицияларни жалб қилиш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасида тижорат банклари ресусларидан фойдаланиш, тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини аниқ инвестицион лойиҳалар фаоллигини ошириш, ҳудудларни иқтисодий барқарорлигини таъминлаш сифатида хизмат қилиши, шунингдек, ишлаб чиқилган илмий фикр-мулоҳазалар ва назарий ғоялардан соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, ушбу соҳа ходимларининг малакасини ошириш ҳамда олий ўқув юртларининг «Инвестиция фаолияти», «Инвестиция сиёсати», «Молия», «Халқаро молия муносабатлари» сингари фанлар бўйича ўқув дастурларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Инвестицион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлаш йўналишлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ички молиявий ресурс манбаи сифатида Экспортни рағбатлантириш агентлиги молиявий ресусларидан тижорат банклари орқали экспортди молиялаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси ҳукумат комиссиясининг 2020 йил 13 ноябрдаги 23-сон баённомасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2020 йил 1 декабрдаги 32-12/1667-сон маълумотномаси). Натижада, Экспортни рағбатлантириш агентлигидан тижорат банкларига 100 млн.доллар ажратиш орқали банклар томонидан тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришида комплекс ёндашув тадбиқ этилиши ҳамда банк хизматлари такомиллаштирилишига замин яратилган;

маҳаллий экспортчи корхоналарнинг савдо уйлари очиш ва сақлаш, офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш, реклама компанияларини ташкил қилиш билан боғлиқ чет элдаги харажатларининг 50 фоизини Экспортни рағбатлантириш агентлиги қоплаб бериши бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 октябрдаги ПҚ-4707-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигининг 2021 йил 23-февралдаги 39-01-02/472-сон маълумотномаси). Натижада, экспорт корхоналарига молиявий маблағлари сезиларли даражада ўсиши таъминланади, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга имкон яратган;

экспорт қилувчи корхоналарнинг инвестицион фаолиятини молиялаштириш мақсадида автомобил, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш бўйича транспорт харажатларининг 50 фоизигача миқдорда Давлат бюджетидан компенсация қилиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 январдаги «Экспорт салоҳиятини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4949-сон қарорида ўз аксини

топган (Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлигининг 2021 йил 23 февралдаги 39-01-02/472-сон маълумотномаси). Натижада, маҳаллий экспортчи корхоналарда 2021 йилда экспорт шартномаларининг 30 фоизга ошишига ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга имкон берган, ҳамда 200 мингдан ортиқ хорижий харидор жалб қилиш имконини яратган;

бюджет параметрларини шакллантиришда инвестиция лойиҳаларни маблағ билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини ҳар йиллик ўртача миқдорда 1,1 баробар ошириб бориш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларда капитал қўйилмаларни ўзлаштириш бўйича параметрларида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 10 февралдаги 06/06-02-32/135-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилган инвестиция лойиҳалари ҳажмини 2020 йилда 1,1 баробар ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 4 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан 2 та дарслик Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та илмий мақола, жумладан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, уларни амалиётда синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Инвестицион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлашнинг назарий ва илмий асослари**» деб номланган биринчи бобида инвестиция ва инвестицион фаолиятни моҳияти, шунингдек инвестицияларни жалб қилиш ҳамда инвестицион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлаш манбалари ёритилган.

Инвестиция фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича тадқиқотлар аввало «инвестиция» ва «инвестицион фаолият» тушунчаларининг назарий тадқиқини талаб этади. Ушбу тушунчалар бўйича қатор хорижий ва маҳаллий олимларимиз тадқиқот олиб борган ва ўз таърифларини шакллантирган.

Хусусан, маҳаллий олимларимиздан проф. Д.Ғ.Ғозибеков инвестицияларнинг иқтисодий мазмун-моҳиятини молиявий категория сифатида талқин этиб, қуйидагича таъриф бериб ўтган: «Инвестицияларнинг мазмуни аниқ ва ишончли манбалардан маблағлар олиш, уларни асосли ҳолда сафарбар этиш, рисклар даражасини ҳисобга олган ҳолда капитал қийматини сақлаш ва кўзланган самарани олишдан иборат бўлади»<sup>5</sup>.

Демак, Д.Ғ.Ғозибеков фикрича, инвестициялар капитал қийматини сақлаш ва кўзланган самарани олиш орқали ҳар қандай мамлакатнинг яқин ва узоқ келажакда ривожланиш истиқболларини белгилаб беради.

Проф. Н.Ҳ. Ҳайдаров инвестициялар мазмун-моҳиятига қуйидаги таърифни беради: «Инвестиция – бу мулк шаклидан қатъий назар, тадбиркорлик асосида фаолият кўрсатаётган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий самара олиш мақсадида ўз бойликларини қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфлашидир»<sup>6</sup>.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан проф. Н. Ғ. Каримов ва Р.Х.Хожиматовлар инвестиция деганда келгусида даромад (фойда) олиш ёки ижтимоий самарага эришиш мақсадида қонун доирасида иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва бошқа соҳаларга инвесторлар томонидан қўйиладиган барча турдаги мулк, молиявий ва интеллектуал бойликлар ҳамда уларга доир ҳуқуқлар тушунилиши керак, дея таъриф беришган. Уларнинг фикрича, инвестициялар мулкчиликнинг ҳар хил кўринишидаги моддий, молиявий ва

<sup>5</sup> Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. Т.: “Молия” 2003. – 26-бет.

<sup>6</sup> Ҳайдаров Н.Ҳ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солик муносабатларини такомиллаштириш масалалари. И.ф.д илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация – Т.; 2003. – 29-б.

номоддий бойликлари иқтисодий-ижтимоий даромад олиш мақсадида муомалага киритиш ҳамда уларга доир бошқарувдир<sup>7</sup>.

Иқтисодчи олимларимиз А.А.Хошимов, Ш.А.Маджидов, И.М.Муминовалар томонидан келтирилган таърифга кўра, инвестиция-бу анча узок муддатга тугагандан кейин келажакда даромад олиш мақсадида ресурсларни сарфланишидир<sup>8</sup>.

Шунингдек, илмий мактаб намоёндалари М.Кейнс, И.Фишернинг таъкидлашларича, инвестициялар-бу келажакда кутилган даромадни олиш учун қилинган харажатлар, деб илмий ёндашилган<sup>9</sup>. Иқтисодчи олимлар В.В.Ковалев, В.В.Иванов, В.А.Лялин томонидан келтирилган таърифга кўра, инвестиция-бу миллий иқтисодиётнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа тармоқларига капиталнинг узок муддатли жалб қилиш ҳисобланади<sup>10</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрда қабул қилинган «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасида: «Инвестициялар - инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар» сифатида таърифланади.

Инвестициялаш – давлат, жисмоний ва юридик шахсларни қийматли ва моддий кўринишдаги келгусидаги турли фаолият турида фойдаланиш учун маблағ йиғиш жараёнидир.

Тадқиқотимизда инвестицион фаолиятни молиявий кўллаб-қувватлаш бўйича ҳам иқтисодчи олимларнинг назарий қарашлари тадқиқ этилди. Хусусан, и.ф.д., проф. Н.Ғ. Каримов инвестицияларни молиявий кўллаб-қувватлашда уларни молиялаштиришнинг бозор механизмларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди.

Унинг фикрича, инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмлари мажмуига қимматли қоғозлар бозори орқали, чет эл инвестициялари орқали, тижорат банкларининг ва халқаро молия институтларининг механизмлари ва кредит линиялари орқали молиялаштириш, синдициялашган кредитлар асосида молиялаштириш, венчурли корпоратив ва лизинг муносабатлари орқали молиялаштириш механизмларини ажратиб кўрсатган<sup>11</sup>.

Мамлакатимизда инвестицион фаолиятни молиявий кўллаб-қувватлаш алоҳида аҳамият касб этади. Бунда мамлакатимиз ҳудудларининг ўзига хос хусусиятлари, иқтисодий ривожланиш миллий стратегияларини амалга

<sup>7</sup> Н. Ғ. Каримов, Р.Х.Хожиматов. Инвестиция. Ўқув кўлланма. - Т.: ТДИУ, 2019. - 23-б.

<sup>8</sup> А.А.Хошимов, Ш.А.Маджидов, И.М.Муминова инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш ўқув кўлланма, тошкент -2014 йил 11 бет


<sup>9</sup> Alchian, A.A.,(1955), «The Rate of Interest, Fisher's Rate of Return over Cost, and Keynes' Internal Rate of Return», American Economic Review, vol.45, no.5, 938-943. P

<sup>10</sup> В.В.Ковалев, В.В.Иванов, В.А.Лялин Инвестиции учебник для бакалавров 2-е издание- М.; 2021. -17 с.

<sup>11</sup> Н.Ғ. Каримов. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2007. 50 б.

ошириши ҳамда инвестиция салоҳиятини ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқдир.


Иқтисодиёт трансформацияси ҳамда халқаро интеграциялашуви, иқтисодиётда таркибий ва тузилмавий ўзгаришлар тобора кучайиб борган сари янги хўжалик субъектларининг пайдо бўлиши, шунингдек мавжудларининг кучли рақобат ва турли омиллари таъсири юқори бўлган шароитда яшаб қолиши ҳамда ривожланиши тобора мураккаблашиб бораверади. Бу ҳолат инвестицион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлашга нисбатан талаб ва масъулиятни янада ошишига олиб келади, ўз навбатида, янгидан-янги манбаларни пайдо бўлишига сабаб бўлади. Жаҳон амалиётида инвестицион фаолиятни манбаларининг таркибий тузилиш куйидагиларни ўз ичига олади. (1-расм).



1-расм. Инвестицион фаолият манбаларининг таркибий тузилиши<sup>12</sup>

<sup>12</sup> Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан тайёрланган.

Тадқиқот давомида келтирилган фикрларга асосан, мамлакатимизда инвестицион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлаш манбалари тўлиқ мужассамлаштирилганда, яхлит ва объектив бўлади (2-расм).



**2-расм. Инвестицион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлаш манбалари<sup>13</sup>**


Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, инвестицион фаолиятнинг молиявий қўллаб-қувватлаш турли манбалардан амалга оширилиши мумкин. Юқорида қайд этилган манбалардан ташқари молиялаштиришнинг бозор механизмларига асосланган қимматли қоғозларни муомалага чиқариш орқали лизинг, венчур фондлари маблағлари орқали ҳам инвестиция фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашни рағбатлантириш мумкин.

Диссертация ишининг «**Инвестицион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлаш амалиёти таҳлили**» номли иккинчи бобида Ўзбекистонда ҳудуд ва тармоқлар кесимида инвестицион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича таҳлили ҳамда инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг ноанъанавий усуллари таҳлили, инвестицион фаолиятни молиялаштириш самарадорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар таъсири тадқиқ қилинган.

Сўнгги йилларда инвестицион фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлашда банк кредитларининг салмоғи ошиб бораётганлиги бошқа бозор механизмларига асосланган манбаларнинг улуши эса жуда кам салмоқли эгаллаётганлигини гувоҳи бўламиз.

Агар биз сўнгги беш йилда тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитларга эътибор қаратсак, қуйидаги маълумотларни кўришимиз мумкин (3-расмга қаралсин).

<sup>13</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



**3-расм. Тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларга ажратилган кредитлар, трлн. сўмда<sup>14</sup>**

3-расмдан кўришиб турибдики, 2015-2020 йилларда тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларга ажратилган кредитлар ўсиш тенденциясига эга бўлган. Хусусан, 2015 йилда ажратилган кредитлар жами 10,1 трлн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда келиб 51,9 трлн. сўмни ёки 490,0 фоизга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Демак, тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришдаги фаоллиги сўнгги йилларда жадаллашиб борганлигини кўришимиз мумкин.

Шу муносабат билан Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш бўйича ҳукумат комиссиясининг 2020 йил 13 ноябрдаги 23-сонли баённомасига мувофиқ Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан тижорат банкларига экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспорт олди молиялаштириш кредитлари учун молиявий ресурслар билан таъминлаш белгиланган. 2021 йилда бориб, Экспортни рағбатлантириш агентлигидан тижорат банкларига 100 млн. АҚШ доллари ажратиш орқали банклар томонидан тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда комплекс ёндашув мақсад қилиб белгиланган.

Мамлакатимизда тадбиркорларнинг инвестиция лойиҳаларини, айниқса, экспорт билан шуғулланган тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласи долзарб вазифалардан бири этиб белгиланган.

Қуйидаги жадвалда ҳудудлар кесимида шу мақсадда тижорат банкларига тақдим этилган молиявий ресурслар тўғрисидаги маълумотларни кўришимиз мумкин.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

**2021 йилда хуудлар кесимида тижорат банкларига тақдим этилган  
молиявий ресурслар<sup>15</sup>**

Т/Р	Хуудлар номи	Корхоналар сони	Кўрсатилган молиявий ёрдам (минг АҚШ долл.)
1	Қорақалпоғистон Республикаси	4	1 460,0
2	Андижон вилояти	11	6 945,0
3	Бухоро вилояти	14	6 652,4
4	Жиззах вилояти	4	2 410,0
5	Қашқадарё вилояти	4	850,0
6	Навоний вилояти	2	230,0
7	Наманган вилояти	7	3 543,0
8	Самарқанд вилояти	10	7 920,0
9	Сирдарё вилояти	4	2 956,5
10	Сурхондарё вилояти	9	2 758,0
11	Тошкент вилояти	14	8 214,2
12	Фарғона вилояти	8	2 880,0
13	Хоразм вилояти	5	1 779,9
14	Тошкент шаҳри	9	6 664,9
<b>ЖАМИ</b>		<b>105</b>	<b>55263,8</b>

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан экспортolni молиялаштириш кредитлари бўйича бугунги кунда 55,2 млн. АҚШ доллари экспортolni молиялаштиришга эришилган. Шу билан бир қаторда мамлакатимизда 2017-2020 йилларда 19 та давлат билан амалга ошириладиган 55 та олий ва юқори даражадаги ташрифлар давомида имзоланган экспорт шартномалари сони 739 донга, шунинг асосида 13,58 млрд. АҚШ.доллари миқдорида экспорт амалга оширилди.

Экспорт қилинган асосий маҳсулотларни қуйида 4-расмда кўришимиз мумкин.



**4-расм. 2017-2020 йилларда жами экспорт қилинган асосий  
маҳсулотлар<sup>16</sup>**

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.



Олиб борилган тадқиқотларимизга асосланиб, инвестиция фаолиятни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида, мамлакатимизда экспорт қилувчи корхоналарга молиявий ёрдам бериш учун автомобил, темирйўл ва ҳаво транспортида ташиш бўйича транспорт харажатларининг 50 фоизигача қисмини, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетидан ажратиладиган субсидиялар ҳисобидан компенсация қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Агар биз Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан транспорт харажатларини компенсация қилиш бўйича амалга оширилган ёрдамларини кўрадиган бўлсак, қуйидаги маълумотларга эга бўламиз.

## 2-жадвал

### 2021 йилда Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан транспорт харажатларини компенсация қилиш бўйича амалга оширилган молиявий ёрдамлар<sup>17</sup>

№	Вилоят номи	Авиа		Автотранспорт		Темир йўл		Жами	
		Сони	Сум-масы	Сони	Сум-масы	Сони	Сум-масы	Сони	Сум-масы
1	Андижон вилояти			13	0,34	4	0,59	17	0,93
2	Бухоро вилояти			6	0,60			6	0,60
3	Жиззах вилояти	1	0,07	7	0,29			8	8,36
4	Қашқадарё вилояти			11	1,28	2	0,21	13	1,49
5	Қорақалпоғистон Республикаси			2	0,02			2	0,02
6	Навоий вилояти	1	0,07	13	0,50			14	0,57
7	Наманган вилояти	7	0,2	62	3,35			69	3,55
8	Самарқанд вилояти	5	0,16	80	3,05	5	0,73	90	3,94
9	Сирдарё вилояти	2	0,03	10	0,85			12	0,88
10	Сурхондарё вилояти	1	0,13	6	0,19	1	0,02	8	0,34
11	Тошкент вилояти	4	0,21	77	8,79	6	0,70	87	9,7
12	Тошкент шаҳри	13	0,33	52	2,62	7	2,89	72	5,84
13	Фарғона вилояти	13	2,35	88	14,6	5	3,29	106	20,24
14	Хоразм вилояти			9	0,9	1	0,02	10	0,92
	<b>Жами</b>	<b>47</b>	<b>3,55</b>	<b>436</b>	<b>37,38</b>	<b>31</b>	<b>8,45</b>	<b>514</b>	<b>49,38</b>

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги маълумотлари асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланган.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги маълумотлари асосида тайёрланган.

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, биргина 2021 йилнинг ярим йиллигида 221 та экспорт қилувчи корхоналарга экспортга йўналтирилган маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларининг бир қисмини қоплаб бериш бўйича 49,3 млрд. сўмлик компенсация тўланган;

125 та экспортёр корхоналарга гаров сифатида суғурта хизматларидан фойдаланганда 2,9 млрд. сўмлик суғурта мукофоти харажатлари қопланган;

128 та маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарга халқаро стандарт ва сертификатни жорий қилиш бўйича 16,9 млрд. сўмлик молиявий ёрдам кўрсатилган;

23 та маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарга тақдимотлар ва реклама компанияларини ўтказиш бўйича 4,4 млрд. сўмлик молиявий ёрдам берилган;

5 635 та экспорт қилувчи корхоналар бўйича ваколатли органларнинг мева-сабзавотлар, тўқимачилик маҳсулотлари ва буюмларини экспорт қилиш учун зарур сертификатларни (мувофиқлик сертификати, санитария-эпидемиологик хулоса, фитосанитар сертификати, товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат) расмийлаштириш билан боғлиқ 25,6 млрд. сўмлик харажатлар қоплаб берилган;

237 та маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарнинг халқаро кўرғазма ва ярмаркаларда иштирок этишини таъминлаш мақсадида 38,5 млрд. сўмлик молиявий ёрдам кўрсатилган.

Ушбу таҳлиллардан келиб чиқиб, биз инвестиция ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида, маҳаллий экспортчи корхоналарнинг савдо уйлари очиш ва сақлаш, офис, савдо ва омбор биноларини ижарага олиш, шунингдек, реклама компанияларини ташкил қилиш билан боғлиқ чет элдаги харажатларининг 50 фоизи Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан қоплаб бериши таклифини ишлаб чиқдик.

Берилган таклифларимизни амалиётга жорий этиш натижасида маҳаллий экспортчи корхоналарда 2021 йилда экспорт шартномаларининг 30 фоизга ошишига ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга имкон берган. Шу билан бирга 200 мингдан ортиқ хорижий харидор жалб қилиш имконини яратган.

